



«Низом Исломга иймон келтирган, унинг таъли-мотларини кадрлаган инсон эди. У илмга мухаббат кўйиб, олимларни эъзозлаган. Унинг дини ва давлати - ер ва осмон каби бир-бирини тўлдириб турар эди.

Ислом тарихчиси, доктор Али Саллабий «Салжукийлар давлати»

Мазкур хикоямиз кахрамони - мусулмонларнинг энг афзалларидан..

Кахрамонимиз маълум ва машхур бўлишига қадар, бир канча йил-лар ўтган. Унга сиртдан назар ташланса, экин экилмайдиган, қовжи-раб ётган ер каби кўринган умматни қуриб қолган чўлларига галаба уруғларини экканлар. Баъзилар бу ишлар самарасиз бўлиб, беҳудага вақт сарфлаётганини айтадилар. Лекин кахрамонимиз атрофидагилар-га эътибор бермай, ўз йўлини давом эттирган. Улар ташлаган галаба уруғларини бир ё икки кун эмас, балки йиллар давомида сабр ва умид сувлари ила сугорганлар. Улар ташлаган бу уруғларнинг ҳосилини ўзлари кўрмасалар ҳам, келажак авлод учун, уни чин дилдан парвариш қилганлар. Шубҳасиз, улуғ инсонлар қилган эзгу ишлар зое қетмагай Нима бўлган тақдирда ҳам, улар ташлаган уруғлари мевага қириб, мўл ҳосил берувчи кун ҳам келади!

Форслардан чиққан улуғ кахрамонимиз - умматнинг ўзига ҳос, ноёб шахслар сирасига қиради. Аллоҳ таоло у туфайли, умматни таназзулга юз тутишидан ҳалос қилган.

Убайдийлар ва Бувайхийлар ҳукуматга келаркан, юз йилдан ортиқ вақт ичида вайронагарчилик билан чеклан-масдан, ундан ҳам хатарли ишларни қилганлар. Улар сунний уламоларини қатл қилиб, мусулмонлар жамиятини саводсизликда айблаганлар. Улар мусулмонлар қалбидан суннатни олиб ташламагунларича, осонлик билан енгиб бўлмаслигини билганлар. Улар (Убайдий, Бувайхийлар - шиалар) келажакда халқни ўзларига эргаштириш учун, ёшларни қалбидаги саҳобаларга бўлган муҳаббат уққунларини ўчирганлар. Улар 100 йилдан кўпроқ Ислом умматига раҳбарлик қилиб, Маккадаги Масжидул Харом, Мадинадаги Пайгамбаримиз Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжиди ва Иерусалимдаги Аксо масжиди уларнинг қўл остида бўлган. Улар бу муқаддас мажидларнинг эшикларига саҳобаларни ҳақорат қилган сўзларни ёзиб қўйганлар. Бундай қабих қўринишлар 10 йилгача давом этган. Сўнгра Аллоҳ таоло Ислом умма-тини бу жиноятчилар қанғалидан қутқариб, уларни умматга ёйган бузук ақидалардан тозалаш учун, салжукийлардан бир баҳодирни чиқаради. Бу вақтда иккиюзламачи убайдийларни қўл остида юз йилдан кўпроқ ҳукм сурган Ислом уммати илмсизлик тўрига илинган эди. Бувайхийлар замонида жаҳон маданият маркази бўлган Бағдод жаҳолат марказига айланган. Шунинг учун салжукийлар Расулulloх соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннاتини мусулмонларнинг қалбига қайта жойлашни мақсад қилганлар. Бу маъсулиятли вазифа улуғ форс вазирига топширилади. Мана шу инсон Ислом умматини юксалиши, раванг топиши учун шохлари қўкка чўзилган мевали дарахт уруғларини сочган эди. Қаҳрамонимиз тарихи ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий томонида жойлашган Тус шаҳридаги Радкан қишлоғидан бошланади. Бу қишлоқдаги қатта савдогарларнинг бири Али ибн Исҳоқ 1018 йили (х. 408 й.) ўғил фарзанд қўриб, унга Хасан деб исм қўяди. Унинг онаси эрта вафот этганлиги учун, отаси унга энага тайинлайди. У Туснинг қатта савдогарларидан ҳамда Ғазнавийлар давлатининг молия бўлимида хизмат қиларди. Али ўғлини савдога эмас, ундан ҳам фойдалироқ бўлган илм ўрганишини истар эди. Шу мақсад билан ўғлини таҳсил олишлик учун олимлар олдига юбораркан, у 11 ёшида Қуръони қаримни тўлиқ ёд олади. Шунингдек, араб тили, шофеъий мазҳабининг фикх илми, ҳадис, грамматика ва ҳисоб фанларини ўрганиб, барчасини аъло даражада ўзлаштиради. Хасан босиб юрувчи тирик энциклопедияга айланган эди. Салжук-турклар Фурс шаҳрига раҳбар бўлганларида, Хасан уларга хизмат қила бошлайди. Турк султони Чағрибек Довуд ибн Микоил ибн Салжук унинг ажойиб иқтидор соҳиби эканлигига гувоҳ бўлиб, у билан ўғли Алп Арслонни олдига олиб бориб, унга шундай дейди: «Уни отангдай ҳурмат қилгин ва унинг сўзларига ҳарши қилмагин». Ўша кундан бошлаб, Низомулмулк Тусий ёш раҳбар Алп Арслонни ўнг қўли ҳамда маслаҳатчиси бўлиб хизмат қилади. Давлат асосчиси Тўғрулбей вафот этгандан сўнгра, Низомулмулк унинг амакисининг ўғли Алп Арслонни султон бўлишига сабабчи бўлган. Алп Арслоннинг султонлик даврида Низомулмулк бош вазир бўлиб тайинланади. Сўнгра давлатни қабих ишлардан тозалай бошлайди. Малазгиртдаги халқ-лувчи жанг мобайнида Алп Арслон аёллар ва ёш болаларни унга топшириб, мусулмонлар енгилиб қоладиган бўлса, уларни ҳавфсиз жойга олиб боришни буюрган. Шунингдек, Алп Арслон унга ўзи йўқ бўлган пайтда ҳам давлат бошқарувига руҳсат берган. Бош вазир Низомулмулк салжукий баҳодир Алп Арслоннинг энг яқин ёрдамчиси бўлган. Алп Арслон ўлим тўшагида ётганда, ўғли Маликшоҳга, Низомулмулкни вазир қилиб тайинланишини васият қилган ва у ҳам отасининг васиятини амалга оширган. Султон Алп Арслонга қандай хизмат қўрсатган бўлса, ўғли Маликшоҳга ҳам шундай фидойилик

билан хизмат килган. Маликшоҳ ҳукуматга янги келган пайтлари, унга карши уюштирилган кўзголонларни ўзининг сиёсати ва нуфузи билан тўхтатиб колган. Маликшоҳ уни ўз отасидай кўрган ва уни ота деб ҳам чакирар. Уша пайтда бош вазирнинг нуфузи ортиб, таъсири кучаяр эди. У фаолияти давомида Ислом умматининг ахволини тартибга келтириб, «Низомулмулк» (мулкнинг низоми) унвонига сазовор бўлган. Маликшоҳ ҳукуматга 20 ёшида келган. Ўша пайтда бош вазирнинг ёши 55 да эди. У ўша даврга муносиб, идрокли ва тажрибали сиёсатчи эди. Султон уни хурмат қилиб, мамлакатдаги барча ишларни унга ишониб топширган. Султон Маликшоҳ унга: «Мен сизга каттаю кичик барча ишларни топширдим. Сиз - менинг отамдексиз», - дейди. Султон билан вазир ўртасида бу ишонч ўлкани гуллаб яшнашига сабабчи бўлган. Бу ўлка ўша пайтдаги энг кучли тараккий этган давлатларнинг бирига айланган. Уларнинг худуди Шарқца Хитойдан тортиб, гарбда Шом ва Туркиягача енгайган. Лекин бош вазир Низомулмулк чегараларни кенгайтириш-нигина эмас, балки халкларнинг турмуш-шароитини яхшилашга эътибор қаратарди. Инсоннинг шаклланиши - бу барча лойихаларнинг энг эфзали. Бош вазир Низомулмулк султон Маликшоҳга шундай дейди: - Аллох таоло сизга кенг салтанат ва катта давлат бермадими? Аллох таоло сизга берган мана шундай тоғдай яхшиликларидан сўнг, Унинг тинини сакдаб қолиш учун, илм йўлида юрганларга 300 000 динор берсам кўплик қиладими?» Султон Маликшоҳ бош вазирнинг таклифига маъқул бўлиб, толиби илмларга факат ўқиш билан машғул бўлишлари учун, хазинадан уларга маълум миқдорда пул ажратади. Улуг бош вазир Низомулмулкнинг илм-фанга бўлган бу хиссасини Европа ва Америка тахминан ундан минг йилдан сўнг тушуниб етди. Дарҳақиқат, Низомулмулк даврида Ислом дини ривожланиб, гуллаб яшнаган. У бир канча олий ўқув юртига асос солган. Улар қаторида 1068 йили (х. 457 й.) Бағдодда қурила бошлаган ўқув юрти 1070 йили (х. 459 й.) битказилиб, тантанали равишда очилиши бўлган. Низомулмулк асос солган бу ўқув юрти дунёдаги энг қадимги ўқув юртлардан ҳисобаланади. Шу қабил ўқув юртлар Басра, Мосул, Амол, Балх, Нишопур, Хирот, Исфаҳон, Марв ва Табаристон шаҳарларига барпо қилинган. Тарихда бу ўқув юртларининг барчаси Низомулмулкнинг шарафига «Низомия» деб аталиб қолган. Ирок ва Форс шаҳарларини бувайхийлардан озод қилиш билан бирга, уларни мусулмон халқларини миясига сингдирган бузук ақидалардан ҳам ҳалос қилишни мақсад қилган. Унинг интизоми ила Куръон ва суннат асосида таълим, тарбия олган тўлиқ бир авлод етишиб чиққан. Низомия мадрасасининг битирувчилари бутун дунёга тарқалиб, халқни шиалар радикализмидан, сўфийларнинг янгилик қиритишларидан, ботинийларни (исмоилий шиалар) бузиб кўрсатувчи ақидаларидан ҳоли ҳақиқий Ислом динининг асосларини кенг тарғиб қилганлар. Улар Низомия ўқув юртида олган билимлари туфайли, амру маъруф наҳйи мунқар қилишда жонбозлик кўрсатдилар. Одамлар сунний Ислом қучоғига тўда-тўда бўлиб қира бошлаганлар. Бувайхийлар даврида одамлар Бағдод кўчаларида саҳобалар ва мўминларнинг она-ларини очикчасига ҳақорат қилган. Кейин эса одамларни уларга бўлган муҳаббат ва хурмати пайдо бўла бошлади. Низомулмулк толиби илмларга барча шароитларни яратиб бериш учун, катта миқдорда маблағ сарфлаган. Уларга ётоқхоналар қурдириб, қулик овқатига етадиган маблағ ажратган. Хар бир ўқув юрт учун қутубхоналар барпо этилган. Шунга қармай, Низомулмулк ўқув жойлардаги шароитни ўзи текшириб чиқарди. Бу ўқув юртларида қуйидаги хизмат ўринлари бўлган: мударрис (муаллим), ноиб (муаллим ўрин босари), муъйид (талабаларга дарсни тушунтириш учун танлаган энг аълочи ўқувчи). Улар ўқув юртни битирсалар, қози муфтий ва муал-лимлик қабил ишларда фаолият юртиши учун

ижоза (гувохнома, диплом) олганлар.

Низомулмулк сиёсат хакида тарихда катта кўламли «Сиёсатнома» асарини ёзган. Китобда давлат бошқарувига алоқадор қарийб ҳамма қонунлар, адолат ўрнатишни зарурлиги, давлат ишлари, маъмурий бошқарув ва ҳарбий ишларнинг харажатлари интизомга биноан ёзилган. Ислом тарихшуноси доктор Али Саллабий «Салжукийлар давлати» асарида уларнинг энг катта ютуқларини хикоя қилган. Қелинг. уларнинг баъзилари билан танишиб чиқамиз:

1. Давлат ишарини тартибга солиш: Маликшоҳ ҳукуматга келганда лашқарбошилар унга бўйсунибдан бош тортганлар. Улар халқни мол-мулкига кўл солиб, шундай дейишарди: «Агар Низомулмулк бўлмаганида султон бизга бундан ҳам кўпроқ, берар эди». Улар одамларга кўп адолатсизлик қилганлар. Шунда Низомулмулк султонга бу ишлар заифликка, ҳукуматда ҳурматни йўқолишига, бошқарув изидан чиқиб, шаҳарлар вайрон бўлишига олиб қилишини айтган. Султон вазирига шундай дейди: «Нима қилиш керак бўлса, шундай қилинг». Низомул-мулк айтади: «Сиз амр қилмасангиз, мен ҳеч нарса қила олмаман». Султон: «Мен сизга барча ишларни каттаю кичигини топширдим. Сиз мени отамдексиз», - дейди. Султон уни хизматдаги лавозимини кенгайтириб, унга «Отабек» (Султоннинг мураббийси, оталиги) деган унвон беради. У барча ишларда қобилияти, гўзал ҳули билан халқнинг қўнғидан жон олган. Қўнларнинг бирида бир бечора аёл ундан ёрдам сўраб мурожаат қилганда уни эшитиш учун тўхтади. Шунда ёнидагилардан биттаси аёлни туртиб юборади. Низомулмулк унга қараб: «Мен сени шундай одамларга ёрдам берсин деб тайинлаганман. Ҳукуматга сенга ўхшаган-ларни қерағи йўқ», - деб уни хизматидан бўшатиб юборади.

2. Низомулмулк давлатининг назарияси тавсифи: Низом Ислом-га иймон келтирган, унинг таълимотларини қадрлаган шахс бўлган. У илмга муҳаббат қўйиб, олимларни ҳурмат қилган. Худди унинг дини ва давлати - ер ва осмон қаби бир-бирини тўлдириб турар эди. Низом ҳукуматни Аллоҳнинг динини тарғиб қилишда бир восита қаторида ҳисоблаган. Низомнинг даврида дин ва давлатни жамлаб, ҳукуматни мақсадга эришиш учун, бир тадбир қатори қўллаш мумкин деган олим-лар чиққан. Имом Ғаззолий ва Мавардийлар айтадилар: «Қалбларни бирлаштириб, юксакликка олиб чиқувчи динни ушламаган султоннинг ҳукумати таназзулга юз тутиб, ҳар бир янги келган бошлиқ ўзи учун янгилик (бидъат) қирғизаркан, у дин ҳалокатга учрайди». Шу қаторда: «Дин бу асос бўлса, қосбон унинг султониدير. Асоссиз нарса қароб бўлганидек, қосбонсиз нарса таназзулга юз тутди». Шунинг учун Низомулмулк қалбидаги динга бўлган муштаҳкам иймони билан халққа қамхўрлик қилиб, уларни бу ҳаётда бахтли яшашлари учун, адолатли давлат бўлиш қерақлигини қўп бор таъқидлаган. У давлатнинг барча қонун-қоидаларини ишлаб чиқиб, қинимсиз меҳнат қилиб, унга зарур бўлган қора-тадбирларни қўрган. Низом ҳаёлпараст одам бўлмаган. У моҳир қоссам ёки ўзидан аввал ўтган қудратли ўлкаларнинг қарқарлари қаби давлатнинг қамойилларини аниқлик билан ёзиб қикқан. Унинг давлат бошқарувидаги сиёсати қунний маъзабига асосланган қолда қамда Ғаззолий ва Жувайний қаби қамондош олимларнинг назарияларига мувофиқ қелган. Улар сўзлари ва ишлари билан Низомга қўмақ қўрсатганлар. Унинг қитобида султонларни вазиқалари ва ҳуқуқлари, давлат қазиналари ва султоннинг қармонлари ўрин олган. Шунингдек, унда қаройдаги қокчилару қосбонлар вазиқалари, шахсий қарбозлар масалалари, бош қазир ва қазирлар, давлат қизматчилари, элчилар, қози ва қозихона ишлари, аскар ва уларни тайёрлаш ишлари қам ёзилган.

3. Низомулмулкни бошқарувга эътибор қаратиши: Низомул-мулк бошқарув ишларига

Ўзгача эътибор қаратган. Султон Маликшоҳ даврида унинг ҳукумати кенгайиб, бошқарувда ўз тажрибаси билан давлатнинг ички ва ташқи ишларини ўзи назорат қилган. Унинг «Сиёсатнома» асари подшоликлар ва давлатни бошқарувдаги асосий фикрлар ва назарияларни ўз ичига олади. Бу китобда Салжукийлар давлатини бошқарган усуллари яққол акс этади. У китобининг аввалида бошқарувда тартибсизликлар бўлмаслиги учун, султоннинг яқин дўстлари давлат ишларига аралашмаслиги айtilган. Шунингдек, хат ташувчиларга ҳам ўзгача эътибор қаратган. У султоннинг ишлари яширин бўлиб, халқни норозилигига сабаб бўлмаслиги учун, мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ҳақида давлатнинг энг чекка нукталарига савдогар, сиёсатчи, дарвиш ва табиблар орқали етказиб турган. Низомулмулк бундай йўл билан кўплаб кўзғолонларни олдини олган. Шунингдек, у давлатдаги амалдорларни ўз мансабидан фойдаланиб, қўл остидагиларга зулм қилишларини ҳам олдини олган. У губернаторлар ва бошқа хизматчиларни фаол ишлашлари учун, ҳар икки-уч йилда бир алмаштириб турган. Султон Алп Арслон хат ташиш ва айғокчилик ишларини йўлга қўйгандан сўнг унинг вазири Низомулмулк ҳар бир шаҳарга ўзларининг ишончли вакиллари яойлаган. У ўша шаҳардаги бошқарув тизими, қозихоналар ва мухтасиблар ҳамда бош-қа давлат хизматчиларини қозатиб турган. Шунингдек, давлат хизматиға илмли, дунёға муҳаббат қўймаган, тақволи ва қамтар одамларни ишға олган. У хат ташиш ва айғокчилик ишларига ҳам, шубҳасиз, ўша ишға муносиб одамларни қўйгани аниқ. Уларни хизматға султон ўзи тайин этган. Низомулмулк амалдорларға давлат ҳазинаси ва халқнинг мулкиға қўл солмаслиги учун маошини етарли даражада белгилаб қўйган. У сарф-харажатларни ва уларнинг орасидаги мувозанатни билиш учун, ҳар йил сўнгида ўта аниқлик билан ҳисоб-қитоб қилган. У ҳукумат бошқарувидаги ишларни қай даражада қетаётганини билиш учун давлат арбобларига муқожаат этиб турган, яъни талаб ва тақлифлар эътиборға олинган. Салжукийлар давлати Низомулмулк қелгунча, бир қолипға қелмаган ва давлатға қарашли шаҳарлар ноибларининг ишлари қоникарли даражада йўлга қўйилмаган эди. Молиявий аҳвол ночор бўлганлиги учун давлатни таъмирлаш ишлари ҳам қисоладагидек қетмаган. Низомулмулк бош қазирликқа қелгандан сўнг у шаҳар ишларини тартибға қелтирган. Қаровсиз қолган қойларға одамларни қўчириб, давлат тарқибидан қикиш ҳавфидаги шаҳарларға ҳам эътибор қаратиб, уларни ҳам мустаҳкамлаган.

4. Низомулмулкнинг халк идораларига эътибор қаратиши: Сал-жукийларнинг бош вазири Низомулмулк халк идораларига, айниқса, ибодат қилиш масканларига яхши эътибор берган. Салжукийларга каашли шаҳарларга масжидлар барпо этилган. Шунингдек, у Макка ва Мадинадаги Харам масжидларига ҳам гамхўрлик кўрсатган. У фақат ибодат билан машғул бўлувчи соҳибдор, даъватчи ҳамда камбағалларга биров ва Форс ўлкаларига уйлар (меҳмонхона сингари) қуриб, уларга моддий тарафлама кўмак кўрсатган. Шунингдек, у Эроннинг Нишопур шаҳрига ақлдан озганлар учун махсус бино (жиннихона) қурдирган.

5. Унинг илм-фанга кўшган хиссаси: Вазир Низомулмулк илм-фан ривожига учун катта хисса қўшган. У олимларни ҳурмат қилган. Уларга давлат хисобидан маблағ ажратган. Бундай маошга ўша пайтда ўзларига қарашли шаҳарлардан 12 минг киши олиб турган. Низомул-мулк мажлисида турли соҳа вакиллари, олимлар йиғилар эди. У қутуб-хоналар бунёд этиб, керакли китоблар билан таъминлаган. Ибн Жавзий айтгандай, унинг даврида илм-фан оёққа турган. Олимлар ҳурматда бўлган. Юкорида айтиб ўтилганидек, у султон Алп Арслон даврида бир қанча Низомия ўқув юр்தларини ташкил қилган.

Дархакикат, Низомулмулкнинг ютуклари гоят кўп ва тахсинга сазовордир. Бу инсон ўзи бир жамиятга тенг инсон эди. У халк орасида ноёб ақл сохиби ва оқил бошқарувчи бўлган. Низом бу умматни юксалишида масъулиятли ҳамда ишончли хизмат кўрсатган. Салжукийлар давлатининг барча нукталарида адолат ва илм-фан кенг тарқалган. Унинг художўй ва бошқалардан афзалликларини кўрган мусулмонлар-ни унга бўлган ҳурматлари чексиз эди. Лекин Низомулмулк халкига, кўлида йўқларга яхши муомала қилгани билан дин душманларига кат-тиккўл бўлган. Шунинг учун у тарихда «хашшошийлар» (ассасинлар) номи остида машҳур бўлган ботиний шиаларининг энг хавфли фирка-сининг биринчи душмани эди.

Ассасинлар кимлар?

Ассасинлар (Хашшошийлар) - булар яширин террорчилик билан шугулланган фирка тарафдорлари. Улар шиаларнинг убайдийлар фиркасида бўлиниб чиққан исмоилий-ботиний тоифасига мансуб бўлган. Бу фирка XI асрда (х.V а.) пайдо бўлган. Улар Куръони карим оят-ларини зохирий ва лугавий талқин этишга қарши чиққан. Уларнинг иддаоларича, оятларни зохирий маъноларини эмас, балки яширин мазмунларини олиш зарур. Шиаларнинг бу террористик фиркаси Ие-русалимни босиб олишда, мусулмонларга қарши туриб, салибчиларга ёрдам берганлар. Унинг асосчиси Хасан ибн Саббох бўлган. Эрон-нинг шимоли-ғарбидаги тоғлар орасида жойлашган Аламут қалъаси хашшошийлар жамоасининг маркази бўлган. Аламут - форс тилида «бургутнинг уяси» деган маънони англатади. Хасан ибн Саббох одамларини Аламут қалъасида гиёҳванд моддаларни истеъмол қилдириб, ўша ерда гиёҳванд моддаларни етиштирадilar. Шунинг учун улар ассасинлар (ар. хашшашийюн - хашиш чекувчилар, гиёҳвандлар) деб аталганлар. Инглизлар уларни шундай деб атаганлар, чунки инглиз тилида «аззаш» - деган сўз ёлланма қотил, - ўлдириш деган маънони билдиради. Италиялик саёхатчи Марко Поло ассасинларни Аламут қалъасидаги тарихини қуйидагича баён қилади:

«У ер меваги дарахтлар билан тўла эди. Шунингдек, у ерда саройлар, вино, сут, асал ва арик тўла сувлар, турли хил мусика асбоблар қалган, қўшиқ қўйлаб рақс тушган сулувлар бор эди. Бу тоғнинг оксоқоллари ўзига эргашганларни жаннатга қирасизлар деб ишонтирганлар. Унга ассасинларга тўлиқ эътиқод қилганлар қира олган. Тоғнинг оксоқоли уларнинг бир гуруҳини қалъага қирғизиб, уларга ухлаб қолгунларича наша чектириб, ундан сўнг уларни бокка олиб қиршларини амр қилади. Улар ўйлагандай, жаннатга қириб қолгандай бўладилар. Уларнинг хошиш истаклари рўёбга ошгандан сўнг, яна наша чектириб, оксоқолни олдиға олиб бориб қўққалаб ўтқазишади. Сўнгра уларни қаердан қелганларини сўрайди. Улар: «Жаннатдан», - деб жавоб берадилар. Оксоқол уларни ўзининг махсус хизматчиларига қатл қилишға буйруқ беради. Сўнгра уларга қуйидагича вазъда беради: «Агар буйруқни яхшилаб бажариб қелсангиз, яна жаннатга қирасизлар, агар буйруқни бажариш давомида ўлиб қолсангиз, унда сизларни фаришталар ўзлари олиб қириб кетадилар».

Хасан ибн Саббохға эргашган одамларни мана шундай хавфли йўл билан бошқарган. Агар у ўз одамларининг бирига ўзининг ўзинг ўлдир деса, сўзсиз итоат қилардилар. Улар Ислом умматидаги мартабаси улуг инсонларни қатл этганлар. Улар Аббосийлар халифаси Мустаншидн: қатл қилишган. Ассасинлардан бири Салоҳиддин Айюбий кўлида соқчи бўлиб хизмат қилганлиги айтилади. Улар бу қилмиши билан замон талаб қилса, уни ҳам бошиға етамиз дегандай бўлган. Уларнинг бунқолган. Низомулмулк султон Малиқшоҳни Аламут қалъасига боришға Андиради. Сўнгра Малиқшоҳ ўша қалъаға

бориб, уни куршовга олади. Лекин Низомулмулкнинг бу террор фиркасидан кутулиш кенгашига эътиборсизлик қилиб, бирмунча ассасинларни асир олиб қайтиб ке-лаверишган.

Низомулмулк у пайтда хаж сафарида юриб, хижрий 485 йили Рамазоннинг 15 куни (1096 й.) Форс шаҳридаги тарихий Нахованд маъакаси бўлган жойга якин масжид ёнидан ўтиб олади. Жамоат билан намоз ўқишни хуш кўрувчи вазир масжидга қиради. У ерда шом намо-лши ўқиб, сўнгра одамларга бироз маъруза қилади. Жамоат орасида эакихлар, корилар ва мухтож одамлар ҳам бор эди. У ерда Нахованд маъракаси бўлган жой ва Умар ибн Хаттоб давридаги саҳобалар ва форс-ўтпарастлари ўртасида бўлган бу маъраканинг тарихидан сўзлаб беради. Шунингдек, Низомулмулк у маъракада шахид бўлган саҳобалар ва тобеъинларни айтarkan, кўзига ёш олиб, Аллохдан шахидликни истаб шундай дейди: «Уларга эргашганларга Тубо жаннати бўлсин!»

Вазир Низомулмулк ифторлик қилиб, масжиддан чиқаркан чодирига кетаётиб, масжид эшиги олдида бир тиланчига кўзи тушади. Лекин у тиланчи эмас, балки ассасинлардан эди. У ассасинлар етакчиси Хасан ибн Саббохни ассасинлар тарихидаги энг муҳим вазифа учун ёлланган хуфийаси эди. Чунки Низомулмулк уларнинг биринчи душмани бўлганини юкорида айтгандик. Ассасинлар рахбари мусулмонлар ора-сида ҳақ динни ёйилиши, унинг илмсизлик устига қурилган ботинийлар тоифасига катта таъсир қилишини биларди. Шунинг учун Хасан ибн Саббох Аллохга ва Унинг Расулига ишонган юракни тўхтатмокни истаган. У юрак - бу умматнинг ёшлари ва фарзандларига ишонган юрак. У юрак - Низомия мадрасасини битириб, Ислоннинг ҳақиқатини тушунган шогирдларига ишонган юрак. У юрак - Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам олиб келган Ислонга ишонаган юрак. У юрак - Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг уммати янгидан қучланиб, илмсизлик ва зулматдан юксакликка чиқишига ишонган юрак. Вазир Низомулмулк масжиддан чиқаётганда, ёрдам сўраб турган тиланчини кўриб, ёрдам бериш максатида унга яқинлашганда, ёлланма хуфия истиҳола қилиб ўтирмай, ханжарини чиқариб, Ислон вазири улуг қахрамон Низомулмулкнинг юрагига санчади. Вазир холсизланиб, чалик даражада ваҳшийлигини биринчи бўлиб, Низомулмулк сези ерга йиқилади. Уни дархол чодирига олиб борадилар. Атрофидагилар уни ўраб, кўрқиб йиглаётганларида, уларга қараб шундай дейди: «Менинг жонимга суиҳасд қилганини ҳатл уилманглар, мен уни кечирдим». Сўнгра кўрсаткич бармогини кўтариб, кўзларини осмонга қаратиб:

«Гувоҳлик бераманки, Аллохдан ўзга илоҳ йўқ... ҳамда Муҳаммад алайҳиссалом унинг элчисидир».

Рамазон ойининг жума тунида Ислон умматининг юрагини уйғотиб, Ислон оламини равақ топишига ўзининг улкан хиссасини кўшган улуг инсонни юраги уришдан тўхтайди. Унинг ўлими ҳабари султон Маликшоҳга етганда, у ёш бола қаби йиглаган. Унинг ўлими Бағдод, Макка, Мадина ва бошқа шаҳардаги мусулмонларни чуқур қайғуга солган. Кўчаларда юриб, халқнинг аҳоли билан яқиндан танишган адолатли вазиридан жудо бўлганликлари учун йиглаганлар. У ҳақда шоирлар марсиялар битганлар. Уларнинг бири Муқатил Ибн Атия ёзган марсия бўлиб, унинг маъноси қуйидагича:

«Вазир Низомулмулк умматнинг ўзига ҳос, ноёб шахслар сирасига қирган марвариддай инсон эди. Аллох таоло уни яхшиликдан яратган У одамларнинг ҳазинаси эди. Лекин ҳасадчилар ундан маҳрум қилма-гунларича, одамлар унинг каддини билмадилар».

Ибн Ақил у ҳақда шундай дейди: «Низомнинг ҳаёти ақлни ҳайратгз солади. У ниҳоятда адолатли, олиҳиммат бўлган ҳамда динни юксали-ши учун астойдил ишлаган. Унинг

даврида давлат - олимлар мамлака-тига айланган. Сўнгра у Рамазон ойида хаж сафарига кетаётганда, катл килинади. У бу дунёга ҳам, охиратга ҳам эга бўлиб ўтди». Имом Заҳабий айтади: «Улуғ вазир Низомулмулк диннинг устун. Абу Али Хасан ибн Али Ибн Исхок Тусий аклли, сиёсатчи, билим-дон, художўй ва хурматли бўлган. У корилар ва факих олимлар билан кўп йигилишларда бўлар. Бағдод, Нишопур ва Тусда катта мадрасалг барпо этган. У илмга даъват килар, ҳадисларни етказар ҳамда илм йўлида юрганларга саховат кўрсатар эди. Хаётининг сўнгги йилларида унинг нуфузи ортиб, султон Алп Арслон, сўнгра унинг ўгли - султон Маликшоҳнинг вазири бўлган. Ўз вазифасини ўринлатиб адо этар эди. Мазлумларга юмшок муомалада бўлар, одамларга меҳрибон эди. Хайрия жамғармаларини ташкил килганлар, кўпгина улуг инсонлар унинг ёнига кўчиб келганлар. У султон Маликшоҳга феъл-атворли, художў: ҳалол кишиларни мансабга кўйишга маслаҳат берган. Унинг сиёса-тининг натижаси тез орада билинган». Ибн Асир айтади: «Унинг ҳаёти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у илм-художўй, адолатли бўлган. Шунингдек, у сабрли, кечиримли ва камгап инсон эди. Унинг мажлисларида Куръонни ёд олган корилар, ракиҳлар ва имомлар, художўй ва такволи инсонлар бўлардилар. У 11 ёшида Куръонни тўлиқ ёд олиб, шофеъий мазҳабига эътикод килган. У таҳорат олгандан сўнг, ортидан ҳар доим нафл намоз ўқир эди. Агар азон товушини эшитса, ишини ташлаб намозни кутар, агар азон вақти ўгиб кетгудек бўлса, дарҳол муаззинга азон айтишни буюрар эди. На-чозни ўз вақтида адо этишга ошиқарди. У душанба ва пайшанба кунлари рўза тутар, хайрия ишларига давомий эътибор қаратган». Низом Тусийдан маълум килинишича: «Тушимда шайтонни кўриб, унга айтдим: «Сенга вой бўлсин! Аллоҳ сени яратиб, Ўзига сажда килишни буюрганда, сен рад этгансан. Менга сажда килишни Ўзи тўғридан-тўғри буюрмаса ҳам, (пайгамбар орқали буюрса ҳам) мен Унга бир кунда неча бор сажда киламан...» - деб куйидаги сатрларни айтган: Мухаббатга муносиб бўлмаса инсон, Унинг яхшиликлари қабул бўлмагай ҳеч он. Кунларнинг бирида халифа Муктадий уни ёнига ўтказиб, шундай дейди: «Эй Хасан, Аллоҳ сендан рози бўлсин. Мўминларнинг подшоҳи ҳам сендан рози бўлди». У ўзининг бир масжиди бўлишини истар эди. Кунлик таомини олиб, масжидда ибодат килишни хоҳлаб шундай деганди: «Мени бир шах-сий кишлоғим бўлсаю масжидда ёлғиз ўтириб, Аллоҳга ибодат килсам дейман. Сўнгра мен учун кунлик таом ва Аллоҳга ибодат килувчи мас-жидим бўлса кифоя деб ўйлаб қолдим». Кунларнинг бирида укаси Абулқосим, Хуросон амири ва кўли кесилган бир камбағал одам билан бир дастурхон устида ўтириб қоладилар. Амирнинг чўлок камбағал олдида ўтиришдан ҳазар килганини сезган вазир уни ўзининг ёнига чакириб, иккаласи бирга овқатланганлар. Кабиҳ ишлар килувчи ассасинлар Ислом вазирининг юрагини тўхтатгани билан, Ислом уммати ерига ташлаб кетган галаба уругини ўсишини тўхтата олмадилар. Низомулмулкнинг илмли, такволи, художўй одамларга кўмак кўрсатиб, уларни юкори лавозимларга тайинлаб кетгани, бир неча йиллардан сўнг Ислом умматига раҳна солганлардан умматни қутқариб қолишда, юкорида санаб ўтилган такволи, илмли инсонлар асқотган. Бу йирткичлар - салибчилар. Уларга қарши улуг вазир Низомулмулк ташлаб кетган галаба уругининг мевалари собит турганлар. Улар тарихда «Салоҳиддин авлоди» деб танилган улуг авлод қахрамонлари эди. Уларнинг аввалида Низомулмулк қолдириб кетган художўй, қобилиятли, ҳалол инсон Оксункур ибн Абдуллоҳ деган турк баҳодири эди. У эрта вафот этиб, ортидан 10 ёшли ўглини қолдириб кетади. Вояга етган



ўгли салибчиларга карши курашиб, Ислом қўшинига бош бўлади. Унинг исми Имомиддин Занкийдир. Сўнгра унинг йўлини олдинги саҳифаларимизда айтиб ўтган қахрамонимиз Нуриддин Занкий давом этиради. Бу турк баҳодири ўзидан кейин 90 йил салибчилар босқинчилигида турган Иерусалимни Хаттин маъракасида озод қилган Салоҳиддин Айюбийни тарбиялаб қолдиради. Иерусалимни озод қилиниши, улуғ вазир Низомулмулк бош бўлган бир қанча Ислом баҳо-дирлари бирлашиб қилган ҳаракатларининг натижасидир (Аллоҳ уларни ўз раҳматиға олсин).

Ислом умматига улуғ вазир Низомулмулкни чиқарган форс аҳли бу умматнинг илм байроғини қўтарган, қелиб чиқиши форсдан бўлган яна бир улуғ инсонни чиқарган. Уни жамлаган қитоблари Қуръони қаримдан кейин Ер юзидаги энг тўғри қитоб саналади.

Нима учун тарих тажовузқорлари уни ўзининг биринчи нишони деб ҳисоблаганлар?

Ат-Туробийнинг

"Ислом умматининг 100 буюқ шахси" қитобидан